

758 - وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بُشَيرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَصْعَةٌ يُقَاءُ لَهَا: الْعَرَاءُ، يَحْمِلُهَا أَرْبَعَةُ رِجَالٍ، فَلَمَّا أَصْحَوُا وَسَجَدُوا الصُّحَى أُتِيَ بِتِلْكَ الْقَصْعَةِ - يَعْنِي وَقَدْ ثُرِدَ فِيهَا فَالْتَّفَوْا عَلَيْهَا، فَلَمَّا كَثُرُوا جَثَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ أَغْرِيَّ: مَا هَذِهِ الْجِلْسَةُ؟! قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ اللَّهَ جَعَلَنِي عَبْدًا كَرِيمًا، وَلَمْ يَجْعَلْنِي جَبَارًا عَنِيدًا»، ثُمَّ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «كُلُّوا مِنْ حَوَالِيهَا، وَدَعُوا ذِرْوَتَهَا يُبَارِكُ فِيهَا». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدٍ بِإِسْنَادٍ حَيْثُ .[3773]

«ذِرْوَتَهَا» أَعْلَاهَا: بِكَسْرِ الدَّالِ وَضَمِّنَهَا.

758. Абдуллоҳ ибн Буср розияллоҳу анхұмо айтади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг түрт киши қўтарадиган ғарро деган лаганлари бор эди. Тонг отиб, зуҳо намозини ўқишишгач, ўша лагани олиб келишди. - Унда сарид\* тайёрланган эди - Ҳамма лаганнинг атрофига ўтириди. Одам кўпайиб кетгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (жой торлигидан) чўккалаб ўтириб олдилар. Шунда бир аъробий: «Бу қандай ўтириш?» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳ мени карамли қул қилиб яратди, дилозор, қайсар қилмади»**, дедилар. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Тепасини қўйиб, атрофидан енглар, барака бўлади»**, дедилар».

*Абу Довуд яхши иснод билан ривоят қилдилар.*

**Шарҳ:** Сарид - тўғралган гўшт титилиб кетгунча қайнатиб, сўнг нон тўғраб тайёрланадиган таом. Сарид ўша пайтларда энг тотли ва фойдали, тансиқ таом бўлган.

## **Ушбу ҳадиси шарифдан олинадиган хулосалар:**

1. Баъзи идишларга ном қўйиш одати ҳам бўлгани.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг катта лаганларининг «Farro» деб аталиши шунга далилдир. Ўша тўрт киши кўтарадиган катта лаган оппоқ бўлгани учун шу ном билан аталган экан.

2. Чошгоҳ намозини ўқиши яхши иш экани.

3. Таом келтириб қўйилгандан сўнг кўпчилик бўлса, лаган атрофига ўтириш одоб доирасидаги ишлардан экани.

4. Таом атрофида одам кўпайиб кетса, тиз чўкиб ўтириб бўлса ҳам бошқаларга жой бериш кераклиги.

5. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўта мутавозеъ зот бўлганлари.

6. **«Аллоҳ мени қарамли қул қилиб яратди, дилозор, қайсар қилмади».**

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу гапларида улкан маъно ётганлигини ҳеч унутмаслигимиз керак.

7. Кўпчилик бир лагандан таом еганда унинг атрофидан, ҳамма ўз олдидан, Аллоҳнинг исмини айтиб емоғлиги кераклиги.

8. Исломий одобларга риоя қилиб тановул қилинган таом баракали бўлиши.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

